

Комила БЎРИЕВА

АНЪАНАВИЙ ХОНАНДАЛИК
(аёллар овозлари учун)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА МЕТОДИКА ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ

Ўзбекистон давлат консерваторияси

Комила Бўриева

**Анъанавий хонандалик
(аёллар овозлари учун)**

**Академик лицей ва коллеж ўқувчилари
учун ўқув-услубий қўлланма**

Тошкент
2008

Ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-услубий кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги Республика методика ва ахборот маркази томонидан нашрга тавсия этилган.

Ўқув-услубий қўлланма академик лицей ва коллежларда анъанавий хонандалик ихтисослиги бўйича сабоқ олаётган ўқувчиларга мўлжалланган. Унда анъанавий хонандалик тарихига доир маълумотлар, XX асрда ўзига хос ижро услубини яратган бир қатор аёл хонандаларнинг ҳаёти ва ижоди ёритилган, шунингдек қўлланмада 20 га яқин асарларнинг нота намунаси берилган.

Масъул муҳаррир: **Б.Матёкубов** – санъатшунослик номзоди, доцент.

Такризчилар: **М.Тожибоев** – Ўзбекистон давлат консерваторияси Анъанавий хонандалик кафедраси доценти, Ўзбекистон халқ ҳофизи.

Ҳ.Юсупова – М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

СЎЗ БОШИ

Ўзбек халқ мусиқа меъроси бой ва улкан уммон кабидир. Мусиқий меросимиздан жой олган мусиқа намуналари асрлар оша ижро этилиб, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келган. Халқимизнинг бу бой ва мураккаб мусиқий мероси азалдан устоз санъаткорлар томонидан оғзаки услубда яратилиб, устоздан шогирдга ўтиб, анъана тарзда ижро этилиб бизгача етиб келган.

Халқ мусиқа санъати бой ва серқирра дейилди. Албатта, халқона урф-одатларга асосланган мусиқий маданият ўз-ўзидан турмуш тарзига айланган ва муттасил давом этиб келган. Маънавий даражаси ва унинг равнақи ижодиёт маҳсули билан ўлчанади. Қаерда ижодиёт керакли меъёрда мавжуд экан, бу жараён миллий анъаналарга асосланар экан, у ерда ҳаётимизга хос ва замонага мос ривож бор.

Мумтоз мусиқамиз амалиёти ва равнақига назар солар эканмиз, биз буюк маданият соҳиблари авлоди эканлигимизни кўрамиз. Ёш авлод вакиллари ўтмишда яратилган меросни ўқиб, ардоқлаб, ижро этиб, идрок қилиб ўзлаштирсалар, замонага муносиб санъаткор бўлиб етишишлари мумкин.

Айтиш жоизки, ўзбек мумтоз мусиқа санъати оғзаки санъатдир. Мусиқий оҳангда мавжуд ҳар қандай ҳаракат, яъни жило, жозоба, ғоя, мазмун қочирим ва безаклар тинглаш орқали идрок этилиб, ўзлаштирилади. Уларнинг равнақи йўлида қилинган ҳар қандай ҳаракат ижодиёт маҳсули демакдир. Шу боис, мусиқа азал-азалдан оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Буни бизда «устоз-шогирд» анъанаси деб ардоқлашади. Республикамиз мустақилликка эришгач беназир мусиқий меросга бўлган муносабат, уларни таълим тизимига жорий қилиш айни муддаодир. Айниқса, махсус билим юртларида бу анъанани ўқитишнинг йўлга қўйилиши ва шунга мос тарбия ёш авлод камолоти йўлида қилинган вазифалар сирасига киради.

Бунга эътибор берилгандан сўнг, кўп вақт ўтмай анъанавий мусиқамизни ўзлаштириш, яъни халқ ашулаларига, мақомларга қизиқиш йилдан-йилга ёшларимиз орасида кўпайиб бормоқда. Анъанавий ижрочилик кафедраларининг асосий вазифаларидан бири – халқ ашулалари, кўшиқларини устоздан шогирдга оғзаки анъана тарзида (лекин, ёзма манбаларга ҳам асосланиб) мусиқий намуна ҳолида ўргатишдан иборат. Мақомларимиз асрлар оша яшаб келаётган экан, уларни келажак авлодларга қолдириш, умрбоқий қилиш учун катта меҳнат ва фидокорлик талаб қилинади. Бунинг учун мусиқий меросимизни ижрочилик анъаналарини яхши ўзлаштирган юқори малакали мутахассислар, ижрочиларни етиштириш даврнинг асосий вазифаларидан биридир. Одатда, мумтоз ашулаларни, мақомларни ижро этиш хонандалардан жуда катта истеъдод ва маҳорат, кенг диапазонга эга бўлган овоз ҳамда кенг нафас йўлига эга бўлишни талаб қилади. Ўзбек анъанавий ижрочилигидаги яна бир муҳим омил бу – унинг табиийлигини ифода эта билиш ва мусиқий асарни миллий безаклар билан ижро этишидадир.

Бу борада албатта мутахассис ўқитувчининг талабаларга намуна тарзидаги жонли ижроси муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан мутахассислик ўқитувчилари анъанавий ашула ижрочилигида мавжуд бўлган барча миллий безакларни овозда кўрсата олиши ва уни талабаларга сингдира олиши муҳим омиллардан бири. Масалан, титратма, қочирим, нола, зангула каби атамалар билан машҳур бўлган миллий ижрочилигимиз безаклари шулар жумласидан бўлиб, моҳирлик билан, ҳар бирини ўз характерида ифода этиш кўзда тутилади.

Анъанавий ашула ижрочилиги сабоғини аввало оддий усулларда ижро этиладиган халқ ёки бастакорлар ижодларига мансуб асарлардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Бизнинг миллий анъанавий ижрочилигимизда савтхонлар, талқинча айтадиганлар, мўғулча айтадиганлар, катта ашулачилар ижро услуб жихатдан бир-

бирдан ажралиб турганлар. Бу йўлларни ривожлантириш учун, аввало талабанинг овозини тўғри ажрата билиш даркор. Бу ҳам маълум муддатдан сўнг амалга оширилади, чунки хонандалик амалиёти болалар ёшидан келиб чиқиб турли хусусиятларга эга. Унинг устига овоз ўзгариши жараёни кечади. У пайтда хонанданинг овозига куч бериш ҳамда нотўғри нафас йўлини ўргатиш асло мумкин эмас.

Овозни хонанда 17-19 ёшдан ўтганидан сўнггина оҳисталик билан йўлга қўйиш лозимдир. Овоз йиллар давомида хонанданинг имконият даражасида ўз-ўзидан, яъни ашула ўрганиш жараёнида аста-секин шаклланиб, ўз йўлини, пардасини топа боради. Анъанавий ижрочиликда, нола қочиримлар, ним пардалар устида жуда кўп йиллар ишлаш мобайнида ҳақиқий ўзбекона овоз юзага келади. Устозлар: – «битта хофиз, хонанда 15-20 йилда етук ашулачи бўлиб етишади» – деб айтишади. Бу гаплар тўғрилигининг исботини ўз тажрибамизда кўрганмиз.

Хофизона йўлни талабаларга сингдириш учун, уларга “Шашмақом”нинг сарахбор қисмларидаги ҳангларга хос ва миллий оҳангларга доир амалий машқларни мунтазам бериб бориш ўқитувчининг вазифаларидан бири бўлмоғи керак. Бундан ташқари, навбат билан ва хонанданинг имконияти даражасида қўшиқчилигимизда мавжуд бўлган Бухоро ижро йўллари, Хоразм ижро йўналиши, Қўқон ашула айтиш услубларини талабаларга таништира бориш керак. Ҳар бир воҳа, водийнинг ўзига хос характерли қўшиқчилик йўллари бор.

Хонандалик амалиётида яна бир йўналиш бор. Ўз хусусиятлари доирасида бу асосан йигитлар – эркаклар овозлари томонидан ижро этилиб келинган. Бу Фарғона водийсига хос бўлган жанр – катта ашуладир. Бу ашулачилик йўналиши жуда мураккаб ҳисобланади. Уни ўзлаштириш жараёни ҳам махсус мактабни ўташ, яъни тайёргарликни талаб қилади. Коллеж доирасида катта ашула тўғрисида, жанр хусусиятлари ҳақида ва ижро услубларни оз-оздан тушунтириб, талабаларга сингдириб бориш хонандаларни тарбиялашдаги жуда муҳим омиллардан бири. Аввало шу йўналишга мойил, иқтидори, овози бўладиган ва унга қизиққан талабаларни танлаб олиб, йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Катта ашулани ўргатиш эса, албатта III курсдан амалга оширилса, айтиш мумкин бўлади. Хонандани ижрода зукколикка йўналтирувчи омиллардан бири – жўрнавозлик амалидир. Жўрнавозликни йўлга қўйиш, хонандаларга ўргатиш учун, аввало овози бир-бирига тушадиган йигит қизларни жуфт-жуфт қилиб айтишга жалб қилиб бориш лозим. Шундай қилинса, талабалар бир-бирининг ижросини тўлдириб боради. Ҳар бир курс учун имконияти доирасида тузилган дастур асосида мусикий асарлар ўргатилиши мақсадга мувофиқдир.

МУСИҚИЙ АСАРЛАРДАН ТУЗИЛГАН ДАСТУР

І курс

І ярим йиллик иш режаси

1. «Сочим учи кўнғирок». Халқ сўзи ва мусиқаси.
2. «Эй Нозанин». Муқимий сўзи, халқ мусиқаси.
3. «Қошлари қаролар». Халқ сўзи ва мусиқаси.
4. «Чаман ичра». Халқ сўзи ва мусиқаси.
5. «Танавор» I-II-III. Муқимий мураббаъси, халқ мусиқаси.
6. «Фарғонача Танавор». Ҳазиний сўзи, М.Муртазоев мусиқаси.
7. «Адолат Танавори». Халқ сўзи ва мусиқаси.
8. «Ахли ёр». Фузулий ғазали, К.Жабборов мусиқаси.
9. «Қолдим». Бобур ғазали, Т.Жалилов мусиқаси.
10. «Ул париваш». Муқимий сўзи, Халқ мусиқаси.
11. «Дилором». Т.Тўла шеъри, Т.Жалилов мусиқаси.
12. «Чиройлик». Фурқат ғазали, Т.Жалилов мусиқаси.
13. «Қашқарчай Ушшоқ». Нозима ғазали, халқ мусиқаси.

II ярим йиллик иш режаси

1. «Ёввойи Танавор». Амирий ғазали, халқ мусиқаси.
2. «Қора сочим». Халқ сўзи ва мусиқаси.
3. «Келаман». Халқ шеъри, Ф.Содиқов мусиқаси.
4. «Билмадинг». Б.Машраб ғазали, Д.Соатқулов мусиқаси.
5. «Қошинг қароси». Муқимий сўзи, халқ мусиқаси.
6. «Ул кун жанон». Муқимий сўзи, халқ мусиқаси.
7. «Фиғонким». Нодира ғазали, М.Мирзаев мусиқаси.
8. «Сайёра». Ҳамза шеъри ва мусиқаси.
9. «Гуллар боғи». Нодира ғазали, Х.Абдулазиз мусиқаси.
10. «Раъноланмансун». Лутфий ғазали, халқ мусиқаси.
11. «Раққосасидан». Халқ сўзи ва мусиқаси.
12. «Сочларим толим-толим». Халқ сўзи ва мусиқаси.

II курс

І ярим йиллик иш режаси

1. «Таманно». Камтар шеъри, М.Муртазоев мусиқаси.
2. «Йўл бўлсин». Халқ сўзи ва мусиқаси.
3. «Излайман». Завқий шеъри, халқ мусиқаси.
4. «Мубтало бўлдим сенга». Навоий ғазали, К.Жабборов мусиқаси.
5. «Айлагач». Навоий ғазали, Х.Тўхтасинов мусиқаси.
6. «Чаман ялла». Муқимий сўзи ва мусиқаси.
7. «Санобар». Т.Тўла шеъри, Т.Жалилов мусиқаси.
8. «Чаргоҳ II». Увайсий ғазали, Тошкент-Фарғона мақом йўлларида.
9. «Фиғон II». Халқ сўзи ва мусиқаси.
10. «Баёт V-IV». Нодира, Навоий ғазаллари, Тошкент-Фарғона мақом йўлларида.
11. «Эй сарви равон». Нодира ғазали, халқ мусиқаси.
12. «Ўзганча». Муқимий сўзи, халқ мусиқаси.
13. «Жоним менинг». Навоий ғазали, Т.Жалилов мусиқаси.

II ярим йиллик иш режаси

1. «Қаро кўзлар». С. Абдулло шеъри, Т. Жалилов мусиқаси.
2. «Шароф». Бобур ғазали, халқ мусиқаси.
3. «Ул кун жанон». Муқимий сўзи, халқ мусиқаси.
4. «Кўрмадим». Навоий ғазали, Д. Зокиров мусиқаси.
5. «Куйгай». Х. Олимжон шеъри, Ю. Ражабий мусиқаси.
6. «Самарқанд Ушшоғи». Зебинисо ғазали, Х. Абдурасулов мусиқаси.
7. «Чамандози Қаландир». Зебинисо ғазали, Х. Абдурасулов мусиқаси.
8. «Қаландар I». Муқимий сўзи, халқ мусиқаси.
9. «Гулжамол». Бобур ғазали, Ғ. Тошматов мусиқаси.
10. «Истадим». Навоий ғазали, Ғ. Тошматов мусиқаси.
11. «Қаландар V». Муқимий сўзи, халқ мусиқаси.
12. «Кошки». Навоий ғазали, Ю. Ражабий мусиқаси.
13. «Бўл менга маҳбуб». С. Зуннунова ғазали, Ф. Содиқов мусиқаси.
14. «Фигон I». Фурқат сўзи, халқ мусиқаси.

III курс

I ярим йиллик иш режаси

1. «Не наво». Навоий ғазали, Ю. Ражабий мусиқаси.
2. «Дугоҳ Хусайни». Дилафгор ғазали, халқ мусиқаси.
3. «Дугоҳ Хусайни II». С. Абдулло шеъри, халқ мусиқаси.
4. «Сегоҳ». Хуршид сўзи, халқ мусиқаси.
5. «Насри Баёт». Таронаси билан, Нодира, Навоий ғазаллари, халқ мусиқаси.
6. «Шитоб айлаб». Навоий ғазали, халқ мусиқаси.
7. «Дугоҳ V». Халқ сўзи ва мусиқаси.
8. «Ишқ». Навоий ғазали, Ф. Содиқов мусиқаси.
9. «Беги Султон». Аваз Ўтар ғазали, халқ мусиқаси.
10. «Соқийномаи Савти Калон». Бобур ғазали, Рост мақомидан.
11. «Соқийномаи Мустаҳзоди Наво». Нишотий ғазали.
12. «Қашқарчай Мустаҳзоди Наво». Лутфий ғазали.
13. «Феруз II». Огаҳий ғазали.
14. «Ҳар кеча». Нодира ғазали, Т. Жалилов мусиқаси.

II ярим йиллик иш режаси

1. «Баёт» лар I, II, III, VI, V. Фузулий, Навоий, Нодира ғазаллари, халқ сўзлари.
2. «Чоргоҳ»лар I, II, III, VI, V.
3. «Мўғулчай Наво». Туркум: «Талқинчай Мўғулчай Наво», «Қашқарчай Мўғулчай Наво», «Соқийномаи Мўғулчай Наво», «Уфори Мўғулчай Наво».
4. «Кўқон Ушшоғи». Юсуф Сарёмий сўзи.
5. «Тошкент Ироғи». Навоий ғазали.
6. «Бухоро Ироғи». Навоий ғазали.
7. «Феруз I». Огаҳий ғазали.
8. «Чўли Ироқ». Навоий ғазали, И. Икромов мусиқаси.
9. «Содирхон Ушшоғи». Навоий ғазали.
10. «Нимчўпони». Навоий ғазали, халқ мусиқаси.
11. «Фарғонача Шаҳноз». Навоий ғазали, халқ мусиқаси.
12. «Савти Калон». Туркум: «Талқинчай Савти Калон», «Қашқарчай Савти Калон», «Соқийномаи Савти Калон», «Уфори Савти Калон».
13. «Мўғулчай Дугоҳ». Туркум: «Талқинчай Мўғулчай Дугоҳ», «Қашқарчай Мўғулчай Дугоҳ», «Соқийномаи Мўғулчай Дугоҳ», «Уфори Мўғулчай Дугоҳ».
14. «Орази Наво». Мунис сўзи, халқ мусиқаси.

ЎЗБЕК ХОНАНДАЛИК САНЪАТИ НАМОЯНДАЛАРИ

ЗАЙНАБ ПОЛВОНОВА

Зайнаб Полвонова 1918 йилда Қўқон шаҳрида қассоб оиласида туғилган.

Унинг онаси ҳам, отаси ҳам санъаткор бўлмасаларда, қўшиқ шайдоси, санъатсевар инсонлар бўлган. Зайнаб Полвонова ёшлигиданоқ мумтоз мусиқа намуналарига иштиёқи баланд эди. Айниқса «Самарқанд Ушшоғи» ашуласини ўрганишга болалигидан ҳаракат қиларди. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг тиббиёт техникумига ўқишга киради. Ўқиш давомида у сабоқ олиш билан бирга қўшиқ ва ашулаларни куйлаш билан ҳам машғул бўлади. 1939 йилда унинг ашулачилик фаолияти – Избоскан туманида илк бора «Колхоз-совхоз» номи билан тузилган мусиқали театрида бошланди. Бу даргоҳ унинг ҳаётидаги катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Чунки Зайнаб Полвонова учун театрдаги илк фаолияти катта санъат мактаби бўлади. У бу ерда санъат соҳасидаги илк қарашларини, сахна сирларини, устоз сабоғини олди.

Зайнаб Полвонова театрда кўп роллар ижро этишга муяссар бўлди. Ижро этган роллари, яратган образлари унинг фаолиятида жуда катта аҳамият касб этади. У «Гулсара»да Ойсара, «Аршин мол-олан»да Жаҳон хола, «Ҳалима»да Руқия опа каби ўнлаб ролларни ижро этади. Шундан сўнг унинг театр соҳасидаги фаолияти анча оммалашади. Уни Андижон ва Қўқон театрларида ҳам хонанда сифатида ишлашга таклиф этишади. Шундан сўнг Зайнаб Полвонова бошқа вилоятлар театрларида ҳам фаолият олиб бора бошлайди. Қўшиқчилик фаолиятини «халқ лапарлари» билан бошлаган Зайнаб Полвонова кейинчалик ўз репертуарини «Гулбарги», «Меҳнат аҳли», «Самарқанд Ушшоғи», «Ҳануз», «Феруз», «Талқини Баёт» каби мумтоз ашулалар билан бойитади.

1950-йилларда Зайнаб Полвонова ўз фаолиятини Ўзбекистон радиосида давом эттиради. Ўзбек халқ чолғулари оркестрида яккахон хонанда бўлиб ишлайди. Халқ мусиқа намуналари билан биргаликда у ўзбек бастакорларининг асарларини меъёрига етказиб ижро этади. Жумладан у Дони Зокировнинг Навоий ғазалига ёзган «Кўрмадим», Ю.Ражабий мусиқаси билан «Гулбарги», Ф.Содиқовнинг «Тўёна», Н.Ҳасановнинг «Офарин», Тўхтасин Жалиловнинг «Азиз Ватаним» қўшиқларини ўрганади ва жуда катта маҳорат билан ижро этади. Шунингдек, ўзбек композиторларидан С.Юдаков ижодига мансуб қўшиқларни ҳам куйлайди.

Қайд этиш лозимки, Зайнаб Полвонова ўтмишдан халқ анъанасида қўлланиб келинган ижро услуби асосида фаолият олиб борган. У республиканинг шаҳар ва қишлоқларида берилган концертларда ўзи дойра чалиб, қўшиқ айтар эди. Бундай амалий концертлар, учрашувлар унинг номи халқ орасида улуғланишига асос бўлади.

Зайнаб Полвонова Маъмуржон Узоқов, Габриэл ва Михаил Муллақандов сингари машҳур ҳофизларнинг ижрочилик йўлларини кунт билан ўзлаштириб, ўзининг ижрочилик фаолиятида кенг қўллаган хонанда эди.

У санъат оламига вулқондек отилиб кириб, ўзининг қайтарилмас бахмал овози билан шинавандалар қалбида бетакрор овоз ҳайкалини яратиб кетган. Унинг ижросида ўзига хос жозиба, фақат Зайнаб Полвоновага хос бўлган бетакрор талқин мавжуд эди. Унинг ижрочилик услуби анъанавий мусиқа ижрочилиги анъаналарини ўзлаштиришда ёш хонандалар учун ўзига хос мактабдир.

МАВЛУДА АЪЗАМОВА

Мавлуда Аъзамова 1913 йилда Тошкентда зиёли оиласида таваллуд топган. Ўн ёшга кирганда ота-онасидан етим қолган ва болалар уйида тарбияланган. Ўша пайтларда «Кўк кўйлак» гуруҳи ном қозонган пайт эди. Ёш Мавлуда Аъзамова ўша гуруҳга қатнашиб аста-секин санъат даргоҳига кириб келди. У тўғаракларга қатнашиши билан бирга янги ташкил қилинган «Намуна» мактабида Шоҳидахон Маъзумова билан бирга ўқишни давом эттирган. Кейинчалик бу мактаб Нодира номи билан юритилган. Мактабда ўқиб юришган вақтларида кўплаб тадбирларда, байрам концертларида мунтазам қатнашиб келишган.

Ёш Мавлудадаги иқтидорни сезган Имомжон Икромов унга хонандаликдан устозлик қила бошлайди. У халқ театрида Зийнат Фатхулиннинг «Ғунчалар» пьесасида Гулнор образини яратади ва уни муваффақият билан ижро этади. Қайд этиш лозимки Мавлуда Аъзамова биринчилар қаторида аёл образини сахнада яратиб ўйнаган санъаткор бўлиб тарихда қолди. У пайтларда халқ орасида санъатга қарашлар бошқача бўлган. Шунинг учун айниқса қизлар, аёллар театрда жуда кам бўлган. Аёл образлари эса эркаклар томонидан ўйналган.

Мавлуда Аъзамова 1943 йили радио қошидаги ўзбек халқ ансамблига ишга келади ва бу ерда устозларининг саъйи ҳаракатлари билан ашулани дутор жўрлигида, ўзи чалиб айтишини ўргана бошлайди. Бу ҳаракатлари унга жуда катта муваффақият олиб келди. Айниқса уруш йиллари Мавлуда Аъзамова айтган «Офарин», «Йигитлар», «Муножот», «Истадим», «Дилоромимни соғиндим», «Чўли Ирок» ашулалари унинг ижоди гуллаб яшнашида биринчи босқич бўлди.

1951 йили Мавлуда Аъзамованинг хизматлари муносиб тақдирланиб, унга ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист унвони берилди.

Мавлуда Аъзамова ўз халқига сидқидилдан хизмат қилган фидоий санъаткор эди.

Мавлуда Аъзамова юрагида ўти бор, шиддатли, услуби қайтарилмас, ўз йўлига эга қўшиқчи бўлган. Мавлуда Аъзамова қўшиқчилик санъатида барҳаёт сиймо бўлиб, абадий қолади.

МУКАРРАММА АЗИЗОВА

Мукаррамма Азизова 1913 йили Наманганлик кулол Азиз Фозилов оиласида дунёга келди. Унинг ёқимли овоз соҳибаси эканлиги ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида маълум эди. Бўлажак хонанданинг ёқимли, ширали овози айниқса мусиқа тўғараги раҳбари Рафиқ Мўминовнинг эътиборини жалб қилди.

Ёш Мукаррамма 7 йиллик мактабни тугатиб, ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқийди ва бошланғич синфларга дарс бера бошлайди. Шу пайтда ҳам у ўз ўқувчилари билан бирга мактаб мусиқа тўғарагига қатнашиб юрарди. 1928 йили Наманганга Москвадан ўзбек студияси учун ўқувчи ёшларни қабул қилувчи махсус комиссия келади ва ёш Мукарраммани студияга ўқишга таклиф қилишади.

У Москвада консерватория қошидаги ўзбек студиясида Миронов каби тажрибали санъаткорлардан мусиқа билимидан тарбия олади. Унинг театр сахнасидаги илк қадамлари айнан Москвада бошланади. У курсдошлари билан бирга Москвадаги театрда кўйиладиган спектаклларнинг оммавий сахналарида қатнашади.

Озгина бўлсада сахна ҳаётини кўрган Мукаррамма Азизова Ўзбекистонга қайтгач дастлаб Андижон театрида, сўнгра эса, 1931 йили Наманган театрида иш

фаолиятини бошлайди. Унинг ҳаёти ҳам, ижоди ҳам театр билан боғланиб қолади. Тез орада у театрда ўндан ортиқ қаҳрамонлар образларини яратади ва кўплаб турли характердаги образларда бош ролни ижро этади. Мусикий драмалардан «Нурхон»да Нурхон, «Гулсара» (К.Яшин Т.Содиқов Р.Глиэр)да Гулсара, «Фарход ва Ширин» (Хуршид В.Успенский, Г.Мушел)да Ширин образларини талқин этди. Драматик спектакллардан А.Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана»сида Хафиза, С.Раҳмоновнинг «Юрак сирлари»да Санобар, Н.Гогольнинг «Уйланиш» спектаклидаги Анна Андреевна шулар жумласидандир. Мукаррамма аста-секин хонандалик сирларини ўзлаштириб, амалиётда кўллай бошлайди.

Мукаррама Азизова ўзининг бетакрор овози, жозибали ва пурмаъно ижроси, санъат даргоҳидаги обрў-эътибори билан бора-бора «Наманган булбули» номига сазовор бўлди. Унинг ижросидаги «Дуторим», «Алла», «Бўстон этиб кет», «Кўзим» каби кўшиқлар, «Ироқ», «Чоргоҳ», «Сегоҳ», «Ушшоқ» каби ўнлаб мумтоз ашулалар тингловчилар қалбида катта таассурот қолдирди.

Мусикий санъатимиз ҳаётида Мукаррамма Азизованинг маҳоратли ашулачи ва драматик актриса сифатида ҳурмат билан ёдга оладилар. Унинг ўзбек санъати ривожини учун меҳнатлари қадрланиб, 1955 йилда унга Ўзбекистон ССР халқ артисти унвони берилди.

ҲАБИБА ОХУНОВА

Таниқли ўзбек санъатининг моҳир актрисаси ҳамда ҳушовоз хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова 1943 йили Андижон вилоятининг Асака шаҳрида таваллуд топади. Ёшлигидан мусиқа санъатига меҳр қўйган, мактабнинг мусиқали драма тўғарақларида қатнашиб санъат даргоҳига кириб келган. Ҳабиба Охунова табиатан камтар, содда, меҳрибон, мусиқага ўта меҳр қўйган фидоий инсон эди. Ҳабиба Охунованинг бу хислатлари уни Андижон мусиқали драма театрига етаклайди. У 1959 йили ушбу театрда ишга киради ва 1963 йилгача Андижон театрининг машҳур санъаткорлари билан бирга фаолият кўрсатади.

1963 йили Ҳабиба Охунова А.Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрига ишга келади ва умрининг охиригача шу даргоҳда муносиб фаолият олиб боради. У Д.Соатқуловнинг «Зарафшон қизи» спектаклида – Кумуш, Т.Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмасида – Лайли, Т.Жалиловнинг «Нурхон» спектаклида – Нурхон, «Алпомишда» – Барчин, «Қароқчилар»да – Амалия каби бош қаҳрамонлар ролларини маромига етказиб ижро этиб, эл назарига тушади. Айниқса, Нурхон образини Ҳабиба Охуновачалик эҳтиросли, ҳамда мукамал яратган санъаткорлар саноклидир. Театрда рол ўйнаган ёки театр сахнасига чиқиб кўшиқ айтган санъаткорлар кўп. Лекин, Ҳабиба Охунованинг ўзига хослиги тингловчилар, мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилган. Бу инсон сахна муқаддаслигини биринчи ўринга қўяр эди. Саҳна Ҳабиба Охунованинг жону-дили ҳисобланган.

Ҳабиба Охунова ўзига хос сирли, садоли, мунгли ва ёқимли овозга эга эди. Унинг ижросидаги беҳисоб дард ҳар қандай тингловчини ўзига ром эта олган, десак муболағасиз бўлар эди. У санъат ихлосмандлари орасида ўзининг жарангдор дардли овози билан машҳур бўлди. Улкан санъаткорнинг ижро репертуаридан «Ўзинг», «Кўрмаган бўлсам», «Одоб билан», «Муҳаббат», «Сабо билан», «Ошноларинг», «Кўркам Ватан», «Барно йигит», «Най навоси», «Кўнгил», «Алла», «Наманган» каби кўшиқлар муносиб ўрин эгаллайди.

Ҳабиба Охунованинг ижро репертуари унчалик кенг камроли бўлмасда, ўзига хослик бобида ишонарли ҳамда гўзал услуб эгаси бўлганлигига шубҳа уйғотмайди. Ўзининг қискагина умри давомида Ҳабиба Охунова мусиқа ижрочилиги санъатида сўнмас из қолдирди. Эҳтиросли ижро сирлари билан тўла ёқимли бир услубни намоён этди. Зеро бу ижро услуби ёш авлоднинг тарбиясида муносиб сабоқ бўлиб хизмат қилгай.

Ҳабиба Охунованинг хизматлари Ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 1974 йили «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Ҳабиба Охунова 1994 йили Наманганда вафот этади.

ФОТИМА БОРУХОВА

Таниқли опера ва мумтоз кўшиқ хонандаси Фотима Борухова 1916 йилда Андижон шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ёшлигидан кўшиқ айтишга бўлган ҳавас унинг хонандалик соҳасига меҳр кўйишига сабаб бўлади. Ота-онаси санъатсевар кишилар бўлган ва улар қизларидаги санъатга бўлган қизиқишга бефарқ бўлмай, унга қўлларидан келганича ёрдам беришган. Фотима Борухова радио орқали тинглаган ҳар бир мусиқий намунани кунт билан ўзлаштирар, машҳур хонандалар услубида ижро этишга ҳаракат қиларди. Фотима Борухованинг бу ҳаракатлари ижроларида намоён бўла бошлайди ва у хонандалик касбини эгаллашга аҳд қилади. У ўша даврдаги раҳбарият тавсияси билан 1940-1942 йилларда Москва консерваторияси қошида ташкил этилган ўзбек опера студиясига ўқишга юборилади. Бу даргоҳда у академик хонандалик сирларини ўзлаштиради. Жаҳон классик мусиқаси намояндаларининг асарларини ўрганиб ўз юртига қайтади.

1942-1944 йилларда Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон мусиқали драма театри артисти бўлиб ишлай бошлайди. Москвада ўрганган хонандалик сабоқларини энди театр сахнасида намоёниш этади. Шу даврда энг оммалашган «Қурбон Умаров», «Гулсара», «Тоҳир ва Зухра» мусиқали драмаларида бир қатор ролларни маҳорат билан ижро этади. Лекин, унинг ижрочилик услуби кўпроқ академик ижрога мойиллиги сабабли 1945 йилдан бошлаб пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги Катта Давлат академик опера ва балет театрида ижодий фаолиятини давом эттиради. Фотима Борухова академик ва анъанавий ижро услубларини яхши билгани ушбу даргоҳда самарали меҳнат қилишига замин бўлади. У ўзига хос овози, бетакрор ижроси билан жамоа орасида ҳурмат қозонди, устоз даражасида 1957 йилгача фаолият олиб борди.

Фотима Борухова шу йиллар давомида жуда кўплаб мусиқали драмаларда образлар яратди. Бу роллари орқали жуда кўплаб мухлислар қалбидан жой олди. Жумладан, Т.Жалилов, К.Яшиннинг «Ойхон»ида Ойхон, «Фарҳод ва Ширин»да Ширин, Ш.Хуршид, Т.Жалиловларнинг «Зебинисо»сида Зебинисо; М.Ашрафий, С.Н.Василенколарнинг «Бўрон» операсида Зебинисо; Т.Содиқов, Р.М.Глиерларнинг «Лайли ва Мажнун»ида Лайли; Н.Погодин, Ҳ.Олимжонларнинг «Ўзбекистон қиличи»да Сора; П.И.Чайковскийнинг «Пиковая дама»сида Полина (1947 йил); М.Ашрафий, С.Василенколарнинг «Бахт водийси»да Она; У.Ҳожибековнинг «Кўр ўғли»да Она (1950 йил); Т.Жалилов, Б.В.Бровцинларнинг «Тоҳир ва Зухра»сида Юлдуз, А.Спандиаровнинг «Олмос»ида Фолбин (1953 йил) каби образлар Ф.Борухованинг кўп йиллик ижодий меҳнати маҳсулларидир.

Фотима Борухова опера билан биргаликда классик кўшиқларни, мумтоз ашулаларни маромига етказиб ижро этган. Жуда кўплаб мумтоз мусиқий намуналарни устозларидан ўрганиб магнит тасмаларига ёзган. «Меҳнат аҳли» (Ҳалима Носирова

билан биргаликда), «Каналим», «Чаман ичра», «Ёлғиз», «Кўрмадим», «Самарқанд Ушшоғи», «Тошкент Ироғи», «Эй чехраси тобоним» каби ашулалар шулар жумласидандир. Кучли ва баланд овоз соҳибасининг хизматлари муносиб тақдирланиб, унга 1950 йилда Ўзбекистон ССР халқ артисти унвони берилган.

КОММУНА ИСМОИЛОВА

Коммуна Исмоилова Хоразм вилоятининг кўҳна ва навқирон Хива шаҳрида 1927 йил 15 декабрда хизматчи оиласида дунёга келади. Коммуна жуда ёшлигидан санъатга қизиқди. 1934-1935 йилларда ўз замонасининг таниқли санъаткорлари Тамарахоним, Охунжон қизиқ, Пўлатжон Раҳимовлар Хоразм вилояти театрида фаолият кўрсатар эдилар. Ёш Коммуна тез-тез ушбу театрга борар ва санъаткорларга қўшилиб оммавий сахналарда чиқар эди.

Коммунанинг овози табиатан ёқимли эди. Шу боис у ёшлигидан жуда чиройли куйлар эди. Кунларнинг бирида устозлар Коммунанинг овозига беихтиёр эътибор бериб, маҳлиё бўлиб қолдилар. Устозлар Коммунадаги истеъдодни баҳолаб, унинг келажаги порлоқ деган тўхтамга келдилар. Қиз Тошкентга бориши, зарур мусиқа саводини олиши кераклиги ҳақида келишиб олинади. Коммунани ота-онасидан рухсат олиб, Тошкентга олиб келишади. Бу инсон бетакрор созанда, устоз, бастакор, санъат арбоби Фахриддин Содиков эдилар. Фахриддин Содиков Коммуна Исмоиловадаги истеъдодни кўриб бу қизнинг чинакам санъаткор бўлиб етишишига кўзи етди ва бу йўлда ўзининг беминнат меҳнатини аямади. Бастакор яратган кўшиқлар, улар ижросида маромига етарди. Бу кўшиқлар Коммуна Исмоиловани Ўзбекистонга хуш овозли хонанда сифатида танитди.

1957 йили уни ўзбек радиосига яккахон хонанда сифатида ишга олишади. Бу эса унга кўшиқ-ашулаларини доимий тарзда тингловчиларга етказиш, магнит тасмаларига ёзиш, ижодкорлар билан доимий тарзда ҳамкорликда бўлиш учун катта имконият эди. С.Жалил, Ҳ.Раҳимов, Б.Гиенко, Ф.Назаров, В.Зудов, Х.Изомов, Д.Зокиров каби композиторлар, Т.Жалилов, Ф.Содиков, К.Жабборов, С.Ҳайитбоев, Н.Ҳасанов, Ғ.Тошматовдек бастакорлар билан ҳамкорлик қилади. Ижро репертуарини эса профессионал мусиқа намуналари билан бойитади. «Табриклиман» (Н.Ҳасанов, Р.Қосимхўжаева), «Гулнора» (К.Отаниёзов, А.Бобожонов), «Ойшахон» (Д.Зокиров, А.Пўлат), «Хаёлим сенда» (Ҳ.Раҳимов, Т.Тўла), «Оқ олтин карвон-карвон» (Ф.Содиков, З.Обидов), «Ёшлик чоғимда» (С.Жалил, Ҳ.Олимжон), «Ўйлама» (К.Отаниёзов, А.Бобожонов) каби мусиқий намуналар шулар жумласидан.

У 1959 йилдан Ўзбекистон Телерадиосидаги Мақомчилар ансамблига ишга ўтади. Ю.Ражабий, Ф.Содиков, О.Имомхўжаев, Б.Давидова, М.Дадабоева, К.Мўминов, У.Отаев, И.Тўраев, О.Алимахсумов, С.Аминов, О.Отахонов, Ш.Эргашевлар билан кўп йиллар бирга ишлашади. Шу йиллар мобайнида Коммуна Исмоилова жуда кўплаб мақомлар, халқ бастакорлари яратган кўшиқларни магнит тасмасига ёзишга муваффақ бўлди. «Қиз кўшиғи» (А.Пўлат шеъри, Ф.Содиков мусиқаси), «Эй чехраси тобоним» (Муқимий сўзи, Ф.Содиков мусиқаси), «Чаман ичра» (халқ сўзи ва мусиқаси), «Диёримсан» (А.Пўлат шеъри, Ғ.Тошматов мусиқаси), «Токай» (Увайсий ғазали, К.Жабборов мусиқаси), «Чапандози Савти Наво» (Нодира ғазали, Ю.Ражабий мусиқаси) шулар жумласидандир.

Ўзбек халқ мусиқа ижрочилигида ўзига хос ижро услубига эга бўлган, Ўзбекистон халқ артисти, бетакрор хонанда, ажойиб устоз Коммуна Исмоилова замонамизнинг атоқли ва ҳурматли санъаткорларидан биридир. Ўз умрини санъатимиз равнақиға бағишлаган устоз, халқимиз маънавияти ва руҳиятига хос энг асл кўшиқ ва

ашулаларни тақдим этишга муяссар бўлиб, элга хизмат қилиб келмоқдалар. Бир неча йиллардан бери устоз санъаткор Коммуна Исмоилова М.Уйғур номидаги Тошкент санъат институти ҳамда Тошкент маданият коллежида ёш талаба ва ўқувчиларга хонандалик сирларидан сабоқ бериб келмоқдалар.

БЕРТА ДАВИДОВА

Берта Давидова 1922 йилнинг декабр ойида Марғилон шаҳрида Давид ота хонадонидан таваллуд топган. Отаси дуторда жуда яхши куйлар чалар эди. Айниқса дуторда чалган «Тўрғай» халқ куйи ёш Бертага жуда ёқар эди. Бертанинг ёшлиги ана шундай санъатсевар хонадонда ўтди.

1935 йилда 13 ёшида Тошкент тиббиёт техникумига ўқишга киради. 1941 йили II жаҳон уруши бошланганда ҳарбий госпиталда ҳамшира бўлиб ишлайди. Кунларнинг бирида бу ерга Мақом ансамбли концерт беришга келади ҳамда мусиқа намуналаридан ижро этиб ярадорларга концерт берди. Ёшлигидан кўшиқлар айтиб юрган Берта мақомчиларга кўшилиб ярадорларга кўшиқ айтиб берди. Шунда ансамблдагилар ҳайратда қолади ва ансамблда ишлашга таклиф қиладилар. Айниқса, Имомжон Икромов жонкуярлик қилади ва Берта Давидова 1943 йилдан 1987 йилгача, 44 йил мобайнида Ўзбекистон давлат телерадиоси қошидаги Мақомчилар ансамблида фаолият кўрсатади. 200 дан ортиқ мақом намуналарини, мақом йўлидаги халқ ашулаларини, бастакорлар яратган кўшиқларни магнит тасмасига ёзишга муваффақ бўлади. 1979-1980 йиллардан бошлаб талабаларга мумтоз мусиқамизнинг ижрочилик сирларини ўргата бошлайди.

Берта Давидова мақом ижрочилиги санъатида ўзига хос ижро талқинини топган бахтли санъаткорлардан бири эди. Берта опанинг мулойим ва бетакрор сайқаллар занжири билан ифодаловчи талқини ҳар қандай хонандани ўзига ром этади. Шу боис бўлса керак, Берта Давидованинг ижрочилик усули аёл хонандалари амалиётида ўрناк сифатида доимо аҳамиятли бўлиб келган. Айниқса мумтоз мусиқа намуналаридан «Муножот» Берта Давидова ижросида меъёрига етказиб ижро этилганини яхши биламиз.

Берта Давидованинг қилган меҳнатларини тақдирлаб ҳукуматимиз унга Ўзбекистон халқ артисти унвонини берди. Бу унвонни Берта опа сидқидилдан қилган меҳнати орқали оқлади. Берта Давидова ижро этган ашулалар намуналари қайта ишланган. «Муножот» (Навоий ғазали, И.Икромов мусиқаси), «Гул очилур» (А.Бобожон шеъри, Ф.Содиқов мусиқаси), «Боғбон қизиман» (халқ сўзи, Н.Ҳасанов мусиқаси), «Араз» (Мунис Хоразмий ғазали, халқ куйи), «Билмадинг» (А.Миркаримов сўзи, М.Бафоев мусиқаси), «Сарахбори Оромижон» (Навоий ғазали), «Таронаи Баёт» (Навоий ғазали), «Уфори ирок» (Огаҳий ғазали), «Танаввор II» (Муқимий шеъри, халқ мусиқаси), «Уфори ушшоқ» (Навоий ғазали), «Дугоҳ» (С.Абдулло сўзи, халқ мусиқаси) «Кўзғолур» (Ҳабибий ғазали, халқ куйи) кабиларни санаб ўтиш мумкин.

ҲАДИЯ ЮСУПОВА

Ҳадия Юсупова кўпчилик ашулачилар қатори жуда ёшлигидан кўшиқ куйлашга меҳр кўйган. Ҳадияхонда кўшиқ айтишга бўлган ҳавасни гўзал гуллар шаҳри бўлган Наманганнинг маданий муҳити, ўша ердан етишиб чиққан таниқли санъаткорларнинг ижоди ундаган бўлса ажаб эмас.

Ёш Ҳадияхонга Мукаррам Азизова, Мавлуда Аъзамова, Берта Давидова, Коммуна Исмоиловалардан ғойибона ўрганган кўшиқлари қанот берган бўлиши эхтимолдан ҳоли эмас. Айниқса, Юнус Ражабийнинг «Не наво соз айлағай», Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг «Самарқанд Ушшоғи», Фахриддин Содиковнинг «Ойдин кечада» кўшиқлари билан у туман ва шаҳар миқёсида ўтказилган кўпгина тадбирларда муваффақият билан иштирок этади. Ўзига хос овози ва устозона ижро маҳоратини намоёиш этишга эришади.

Ҳадияхон опа ўнинчи синфни битирган йили ёш истеъдодларни танлови бўлиб ўтади. Бу танловда Ҳадияхон опа ҳам муваффақиятли иштирок этиб, Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон давлат филармониясининг «Хор капелла» жамоасига ишга киради. Хор жамоасида у профессионал ижро услублари, овоз ишлатиш ва талқин масалаларини мустаҳкамлайди. Нафақат халқ йўлидаги ашулаларни, балки композиторлик ижодига мансуб асарларни маҳорат билан ижро этиш сирларини ўзлаштиради.

50-йилларнинг ўрталарига келиб у Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолғулари оркестрига яққохон солист лавозимига ишга келади. Ҳадия Юсупова бу даргоҳга биринчи қадамини қўйганидан бошлаб, Юнус Ражабий, Фахриддин Содиков, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Исҳоқ Каттаев, Илхом Тўраев, Ориф Алимахсумов, Берта Давидова каби таниқли устоз созанда ва хонандалардан жуда кўплаб ашулалар ўрганади ва радиода магнит тасмасига ёздирди. Радио фонди учун ўз ижросида магнит тасмаларга биринчи бўлиб Фахриддин Содиковнинг «Намоён қил» ашуласини катта маҳорат билан ижро этиб ёздирган эди.

У 1959 йилдан радио қошидаги мақомчилар ансамблига ишга ўтади ва у ерда Фахриддин Содиков билан яқин ҳамкорлик қилади. Бастакорнинг кўплаб кўшиқларини маҳорат билан ўзлаштиради ва 30 дан ортиқ ашулаларини ижро этади. «Бир гўзал», «Гўзал», «Ёр келиб», «Келасанму», «Зулайҳо бўлсанг» каби ашулалар бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари у «Шашмақом» ашула йўлларини радио фондига ёзишда қатнашади.

Ҳадия опа 1970 йилда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Ҳадия Юсупова замонасининг етук санъаткорларидан бири Раҳимахон Йўлдошева билан бирганликда жўрнавозлик қилиб, кўп кўшиқларни биргалашиб ижро этди ва магнит тасмасига ёздирди. Набижон Ҳасановнинг «Шоҳи белбоғ», Орифжон Ҳотамовнинг «Кўнгил ол», «Қашқарчаи Савти Сабо», «Чапандози Наво», «Наврўзи Сабо» каби мумтоз ашулалари шулар жумласидандир. Ҳадия Юсупова жуда бағри кенг, олийжаноб, меҳрибон инсон. 3 нафар фарзандларнинг онаси. Ҳадия Юсупова 1988 йилдан то шу кунгача Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг анъанавий ижрочилик кафедрасида ҳамда Тошкент Маданият коллежида ёш талаба йигит-қизларга халқ кўшиқларини, мумтоз ашулаларни мақом йўлларидаги асарларни кунт билан ўргатиб келмоқдалар.

РАҲИМАХОНИМ МАЗОҲИДОВА

Ўзбекистон халқ артисти Раҳимахоним Мазоҳидова 1930 йил 8 март куни Қўқон шаҳри «Дехрезли» маҳалласида туғилган. Отаси Ҳакимхон тўра табиб бўлган, оналари ҳам илмли, адабиёт ва санъатга қизиққан киши бўлганлар.

Раҳимахоним ўша даврларнинг моҳир фольклор билимдонлари Ҳадиёхон, Ҳурматхон, Бидонхон ва Ёдгорхон аялардан ўзбек халқ ижодиёти дурдоналарини, фарғонача фольклор ва анъанавий санъат сирларини ўрганди. 1955 йилда санъатдаги

иктидорини кўрган раҳбарлар уни Ҳамза номли Қўқон мусикали драма театрига ишга таклиф қиладилар. Раҳимахоним мусикали театр сахнасида ҳам жуда кўплаб образлар яратади.

Тез орада бу серқирра санъаткор ўзининг ноёб санъати, ижро этган кўшиқ ва ашулалари билан нафақат республикамиз, балки хорижий давлатларга ҳам танилди. У театр сахнасидаги қахрамонлар образларидан ташқари, бир неча бадиий ва видеофильмларда ҳам эса қоларли образлар яратди. Раҳимахоним Мазоҳидова устозлардан халқ мусиқий фольклор намуналарини ўзлаштиради. Ижоди давомида ўзи ҳам излаб халқнинг ноёб дурдоналарини ўзлаштиради, уларга ижодий ёндошиб янги вариантларини яратишга муяссар бўлади.

Халқ мусиқаси тарғиботи масаласида атрофига иқтидорли хотин-қизларни йиғиб, уларга ўзбек фольклор санъати ижрочилигини ўргатади. Авалига «Омон ёр», кейинчалик «Қўқон ёр-ёри» фольклор этнографик ансамбллари тузиб фаолият олиб боради. Натижада ўзига хос фольклор ижрочилик мактабини яратди. 2003 йилда эса Раҳимахоним Мазоҳидованинг шогирдлари, опанинг раҳнамолигида «Ёр-ёр» фольклор-этнографик ансамблини ташкил этадилар ва бу ансамбл ўз фаолиятини ҳозиргача муваффақиятли давом эттирмоқда.

Раҳимахоним Мазоҳидова ўз ижросининг халқчиллиги, тиришқоқлиги билан элимизда катта обрў топди ва халқ назарига тушди. Ўзбек санъатининг дунёга машҳур санъаткори Раҳимахоним Мазоҳидованинг халқимиз олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 1968 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1974 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвонлари, «Ҳурмат белгиси», «Меҳнат Шухрати» орденлари, бир қанча медаллар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди. У халқаро фестиваллар, кўрик-танловлар ғолиби бўлди. Ҳозирда Раҳимахоним Мазоҳидова Қўқон шаҳрида истиқомат қилади. Турмуш ўртоқлари Тошпўлатжон ота Мазоҳидов ҳам маданият ва санъатнинг жонкуярларидан бўлган. Раҳимахоним Мазоҳидова ҳозирги даврда ҳам халқимизнинг турли тантаналарида фаол иштирок этиб келмоқда.

Оромижон

Машраб сўзи
Халқ музикаси

М.М. ♩=56-60



Ю-зинг - ни кўр -



-са-тиб ав - вал ў-зинг - га ба - н - да-лар қил - динг



Я-на кўнг - ли - м о-либ юз но - з (ки)бир - ла



ха - н - да-лар қил - динг. Жа - мо - линг па - р -



та-винг со - ли - б а-жо - йиб жил - ва-лар қил -



-ди - нг Ма-сих - дек бир бо-қиш - да мур -
Сен-га мен то қи - ё - ма - т о -



-да жис - мим зи - н - да-лар қил - динг.
ши-но деб ваъ - да-лар қил - динг.



Деб эр-динг ке - ча - ю кун -
Ти - кон-дек суҳ - ба - тинг - да



дуз се - нинг ё - ди - нг бў - лур ман деб
бир гу - ли но - ри - нг бў - лур ман деб

Жа - фо - ни сен - га оз ай -
лаб ва - фо - до - ри - нг бў - лур ман деб.
У - ми - дим кў - п э - ди ёл - ги -
-з, ха - ри - до - ри - нг бў - лур ман деб о - А - жаб ким
ха - лқ А - жаб бир ха - лқ и - чин - да
бў - л ха - вас деб шик - ва - лар қил - динг.

Юзингни кўрсатиб аввал ўзинга бандалар қилдинг,
Яна кўнглим олиб юз ноз бирла хандалар қилдинг,
Жамолинг партавинг солиб ажойиб жилвалар қилдинг,
Масихдек бир боқишда мурда жисмим зиндлар қилдинг,
Сенга мен то қиёмат ошино деб ваъдалар қилдинг.

Деб эрдинг кеча-кундуз сенинг ёринг бўлурман деб,
Тикондек суҳбатингда бир гулиноринг бўлурман деб,
Жафони сенга оз айлаб вафодоринг бўлурман деб,
Умидим кўп эди ёлғиз харидоринг бўлурман деб,
Ажабким халқ ичинда бул хавас деб шиквалар қилдинг.

Раққосасидан

♩=80

Халқ сўзи
Ж.Султонов мусикаси

Мен ўр - ги - лай эл
 рақ - қо - са - си - дан Мо - нанд ча - ман - нинг
 гул - дас - та - си - дан
 чир - маш - ди кўк - ка ав - жи - да ял - ла - (ей). Тан - бур ду - тор -
 - лар(е) ўй - нок - са - си - дан.
 Теб - ран - ди ко - кил гул бар - ги хан - дон Жон ол - ғув - чи
 ду - р ул чаш - му муж - гон. Ўй - най бу бог - да
 сиз шо - ду хан - дон - (ей) Гул о - чи - либ - ду - р
 бул - бул ға - зал - хон.

Мен ўргилай эл раққосасидан,
 Монанд чаманнинг гулдастасидан.
 Чирмашди кўкка авжида ялла,
 Танбур, дуторлар ўйноқсасидан.


Тебранди кокил гул барги хандон,
 Жон олгучидур ул чашму мужгон.
 Уйнай бу боғда сиз шоду хандон,
 Гул очилибдур булбул ғазалхон.

Эл хирмониму ёйинки қизлар,
 Дилларни мафтун айловчи кўзлар.
 Эй, қадди шамшод раққоса қизлар,
 Сен бирла илҳом, жон сенга қурбон.

Санъатла олам бўлғай фаровон,
 Санъатдадур ишқ, санъатдадур жон.
 Равнақ элининг ижоди сенсан,
 Таърифга лойиқ дунёча сўзлар.

Бўз йигит

Халқ сўзи
 Ф.Содиқов мусикаси





Қа - ро - шин - гиз ди - лим - га - а ўт қўй - ди бу кўнг - ли - ма - а.



Боқи - ши жон о - лув - чи - и жо - - - н



ни - го - хи дил сўз йи - ги - т, ай - ла - най



ни - го - хи дил сўз - з йи - ги - т.

Бўз ердаги бўз йигит, айланай,
Жондан ширин сўз йигит.
Мунча зимдан қарайсиз,
Қошлари кундуз йигит.

Қарашингиз дилимга,
Ўт қўйди бу кўнглима.
Боқиши жон олувчи,
Нигоҳи дил сўз йигит.

Олма оқиб келади,
Беҳи қалқиб келади.
Қўлга дуторим олсам,
Қўшиқ оқиб келади.

Баҳор келар, ёз келар,
Турна келар, ғоз келар.
Севганимни уйидан,
Қўшиқ келар, соз келар.

Уёламан

Т.Тўла шеъри
Ф.Содиқов муסיқаси

$\text{♩} = 84$

Дас-та-дас-та гул-лар ич-ра бир ло - ла-ман

Ёр дўп-пи-си гул-ла-ри хи - ло - ла ман Ёр-ги - нам-ни

жо - ним ка - би - - - и се - ва о - ла-ман

Ун-га бо - қиб қа - ро- шинг - дан мен ё - - на-ман

Гў - ё ло - ла-ман, ёр-ги- нам-дан у - ё-ламан - н

Даста-даста гуллар ичра бир лоламан,
Ёр дўпписи гуллари ҳилоламан,
Ёргинамни жоним каби севоламан,
Унга боқиб қарошиндан мен ёнман,
Гўё лоламан, ёргинамдан уёламан.

Мени чорлар кучоғига боғда гуллар,
Гул атридан баҳра олади, шод кўнгуллар,
Мен тинглайман, дугоналар, ёрим куйлар,
Куйлаганда меҳрим жўшиб лол қоламан,
Гўё лоламан, ёргинамдан уёламан.

Барно йигит

Саида Зуннунова сўзи
Ф.Содиқов мусиқаси

$\text{♩} = 68$

Ши - ри - н сўз бар - но йи - гит
Ти - линг - да бо - линг бор - му Ти - линг - да бо - линг бор -
му Шай - до - о - ла - ринг мун - ча кўп
Ё - ки иқ - бо - линг бор - му Кўнг - лим - ни а - сир эт - га - н
чи - рой - ли бўй - ла - ринг - му чи - рой - ли бўй - ла ринг -
му Боқ - сам бар - ча ях - ши - лар -
р Ё - ру йўл - дош - ла - ринг - му.

Ширин сўз барно йигит
Тилингда болиг борму.
Шайдоларинг мунча кўп
Ёки иқболиг борму.

Қалдирғоч қанотидай
Пайваста қошларингму.
Боқсам барча яхшилар
Ёру йўлдошларингму.

Мен ҳам ёр бўлсам дейман,
Вафодор бўлсам дейман.
Атрофингда бир умр
Ўзим ўргилсам дейман.


Кўнглимни асир этган
Чиройли бўйларингму.
Нурдек поклингингму,
Меҳнату ўйларингму.

Гул фаслидур

♩=80

♩=100-104

Халқ сўзи



Са - рв - лар гул - лар ча - ман - лар саҳ - ни - да
таъ - зим у - чун, Боғ а - ро сай - р эт - га -
ли юр чун - ки бу гул фас - ли - дур.

Ўйнагил, эй дилрабо айёмимиз гул фаслидур,
Биз билан бўлгил ғазалхон, чунки бу дил фаслидур.
Сочларингни ёза-ёза яйрагил сен биз билан,
Атр бўйлар таркатиб юр, чунки сунбул фаслидур.

Қоп-қора кўздан тўкиб ёш бўлмагил сен кўп увол,
Ўсмаю-райхонни боки базми жамшид фаслидур.
Сарвлар гуллар чаманлар саҳнида таъзим учун,
Боғ аро сайр этгали юр, чунки бу гул фаслидур.

Сочим учи кўнғирок

Халқ мусикаси
ва сўзи

М.М. ♩=108-112

Со - чим у - чи кўн - ғи - рок, ў - зим ай - ла - най,
Ёр мен - га қил - ма фи - ро - қ(а), эй во - й са - нам.



Ёр ман-га кил - санг фи- роқ - а, ў - зим ай - ла - най.



Бо - рай де - сам йўл йи - роқ - а, эй вой - й са - нам.



Ё - ра - й до - да, ў - зи - м ай - ла - най.



Ай - ла - на-ман, ким - ни ё - ри - сиз - а, ай - ло - на - ман.

Сочим учи кўнғирок, ўзим айланай,
Ёр менга қилма фироқ, эй вой санам.
Ёр менга қилсанг фироқ, ўзим айланай,
Борай десам йўл йироқ, эй вой санам.

Сочгинамни кўплиги, ўзим айланай,
Сочпопугим йўқлиги, эй вой санам.
Қоши-кўзим шўхлиги, ўзим айланай,
Ёргинамнинг йўқлиги, эй вой санам.

Бизнинг айвон

Халқ сўзи
Т.Жалилов мусикаси

М.М. ♩=76-80



Биз - нинг ай - вон сиз - ни ўр - ги - лай



ай - во - н э - мас - му, Ўр - та - си - да

чин - ни ўр - ги - лай ра - во - н э - мас - му.

Ке - ла - сиз - у ке - та - сиз бир сўз де - май - си - з,

Ке - ла - сиз - у ке - та - си - з бир сўз де - май - сиз -

-з, Бу ҳам - ма - си ю - рак - ка ўр - ги - лай ар - мон э - мас - му.

Тоғ - да ар - ча
Сен гў - зал - ни

минг йил ўр - ги - лай у - мр кў - рар - му,
из - лаб ўр - ги - лай бўс - тон - ни кез - дим,

Шо - хи син - са зар - гар ўр - ги - лай ку - му - ш ки - лур - му.
Ў - шал кез - ган бўс - тон ўр - ги - лай гул - зо - р э - мас - му.

О Зар - гар - ни қил - га - ни ўр - ги - лай
О Ме - нинг жо - ним се - ни - нг ўр - ги - лай

ар - ча бў - лур - му, Би - либ бер - га - н
жо - ни - нг э - мас - му, Ме - нинг жо - ни - м

кўн - гу - л ўр - ги - лай жу - до бў - лур - му.
сен - га - а ай - ла - най қур - бон э - мас - му.

Бизнинг айвон сизни ўргилай айвон эмасму,
 Ўртасида чинни ўргилай равон эмасму.
 Келасизу-кетасиз, бир сўз демайсиз,
 Бу ҳаммаси юракка ўргилай армон эмасму.

Тоғда арча минг йил ўргилай умр кўрурму,
 Шохи синса заргар ўргилай қумуш қилурму,
 Заргарни қилгани ўргилай арча бўлурму,
 Билиб берган кўнгул ўргилай жудо бўлурму.

Сен гўзални излаб ўргулай чўлларни кездим,
 Ўшал кезган чўллар ўргилай бўстон эмасму.
 Менинг жоним сенинг ўргилай жонинг эмасму,
 Менинг жоним ўргулай сенга қурбон эмасму.

Шароб

Бобур ғазали
 Халқ муסיқаси

Ким кў - ру - р ху - р - ши - д(и) - ни

ул мо - хи сий - мо бўл - ма - са - а, Ким сў - ру

- - р шак - ка - р - ни ул лаъ - ли ша - ка

- - р - хо бўл - ма - са - а. Гул ти - кон - н -

- дур кўз - ла - рим - - - м - га ул ю - зи - - -

- и гул - дин йи - ро - қ, Сар - ви ў - - - қ

дур бағ - ри - ма - - - а ул са - р - ви ба - - - ло

бў - л - ма - са - а. рубоб

рубоб Тий - ма - ғил - л де - во - на кў -

- - нг - лим - ни - ки рас - во бўл - ма де - б,

О - шиғ ўл - - - ғай - му э - ди

ул тел - ба маъ - - - во бўл - ма - са - а.

Гар бо - ши - нг - ни кес - са - ла - - -

-р иш - ки - нг - да э - й Бо - бур се - ни - нг, Гар бо - ши
 - нг - ни кес - са - ла - р иш - ки - нг - да
 э - й Бо - бур се - ни - нг, Ё - р - ди -
 - н кўн - г - линг ке - ра к - ким ўз - га
 қа - т - во бўл - ма - са - а.

Ким кўрур хуршидни ул моҳисиймо бўлмаса,
 Ким сўрур шаккарни ул лаъли шаккархо бўлмаса.
 Гул тикондур кўзларимга ул юзи гулдин йирок,
 Сарви ўқдур боғима ул сарви бало бўлмаса.

Тиймоғил девона кўнглимники расво бўлмаса,
 Ошиғ ўлғайму эди ул телба маъво бўлмаса.
 Гар бошингни кессалар ишқида эй Бобур сенинг,
 Ёрдин кўнглинг керакким ўзга қатво бўлмаса.

Айлагач

М.М. ♩=72-76

Навоий ғазали
 Холхўжа Тўхтасинов мусикаси

Хус - ни ор - тар

юз - да зул - финг ан - ба - раф - шон ай - ла - гач,

Шаъ - ми рав - шан - роқ бӯ - лу - р то - рим па - ри - шон

ай - ла - гач. Юз - ни гул - лар - дин бе - зар - му

биз - ни қур - бо - н ай - ла - ди, Ё ю - зинг - га

тег - ди қон - ла - р (ей) биз - ни қур - бон ай - ла - гач.

Қон э - мас - ким
Жон - да қуй - гач

ён - ди гул - гу - н хул - ла жан - на - т хо - зи - ни - и,
нақ - ди иш - қи - нг қил - ди қўнг - лим - м - ни ҳа - ло - қ,

Ишқ мақ - ту - лин ша - хид ай -
Ёл - ти - рур мах - рам - ни сул - тон

- лар - да ур - ё - н ай - ла - гач. Ош - кор ай - лар ю - зи -
ган - жи шин - хо - н ай - ла - гач. Эй На - во - ий ишқ а - гар қўнг -

-нг кўзинг - ни хай - рон ай - ла - ди, Ё - шу - рин ол -
лим - ни маж - рух эт - ма - ди, Бас не - дур - ким

-ди кўн - гул кў - зим - ни чир - ён ай - ла - гач.
қон ке - лур оғ - зинг - дин аф - ғон ай - ла - гач.

Хусни ортар юзда зулфинг анбарафшон айлагач,
Шаъми равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.
Юзни гуллардан безабму бизни қурбон айлади,
Ё юзингга тегди қонлар бизни қурбон айлагач.

Қон эмаским ёпди гулгун хулла жаннат хозини,
Ишқ мактулин шаҳид айларда урён айлагач.
Ошкор айлаб юзинг кўзингни хайрон айлади,
Ёшури қон олди кўнгил кўзимни чирён айлагач.

Жонда кўйгач нақди ишқинг қилди кўнглимни ҳалок,
Ўлтирур маҳрамни султон ганжи пинҳон айлагач.
Эй Навоий, ишқ агар кўнглимни мажруҳ этмади,
Бас недур ким қон келур оғзингдан афғон айлагач.

Не наво

Навоий ғазали

Ю.Ражабий нотага олган

М.М. ♩=80

Не - на - во

соз ай - ла - гач, бул - бул гу - лис - - тон - дин жу - до.

Ай - ла - мас тў - ти так - кал - - лум шак -

ка - рис - тон - дан жу - до (ё - - - о - - - о -




Ул ку-
ёш хаж-ри-да, кўр - кар мен фа - лак - ни ўр - та-гай
(о - - - ё - ро).
Ҳар ша - ро - ри - ким бў-лур бул ўт - лиғ аф -
фон - дин жу - до (ё - - - о - о).
Ҳажр ў - лим -
данталх э - миш мун - дан сўнг, эй, гар - дун ме - ни
Ай - ла - гил жон - дан жу - до қил - гун - ча жо -
нон - дан жу - до (ё - - - о - - - о - - - о).
1. 2.

Не наво соз айлагач, булбул гулистондан жудо,
Айламас түти такаллум шакарстондан жудо.
Ул куёш хажрингда кўрқарман фалакни ўртагай,
Ҳар шарориким бўлур бул ўтлиғ аффондин жудо.
Ҳажр ўлимдан талх этмиш мундан сўнг эй гардун мени,
Айлагил жондин жудо қилгунча жанондин жудо.

Гулистоним менинг

Andante

Г.Ҳожиқулов мусикаси





бир ку - ни бўл - гай бу қаб -
 - рис - тон гу - лис - то - ним ме - нинг.
 Дўст - лар, бу шам - ъи ҳус
 - нинг - ни ё - қар суҳ - бат а - ро, ўч - ма - гай
 сўнг - ра Му - қим шам - ъи ша - бис -
 1. то - ним ме - нинг, 2. то - ним ме - нинг.

Боғ аро ҳар бир қизил гул тоза қонимдир менинг,
 Тонгда булбуллар фиғони достонимдир менинг.

Кувла саҳрога ракиблар, кўйма шаҳримда мени,
 Майли сиғмас бўлса сиғмас ўлмаган жоним менинг.

Мен агар ўлсам, шаҳар ичра қўйинг, эй дўстлар,
 Бир кун бўлгай бу қабристон гулистоним менинг.

Дўстлар, бу шамъи ҳуснингни ёқар суҳбат аро,
 Ўчмагай сўнгра Муқим шамъи шабистоним менинг.

Бир ишва билан

Ҳ.Ниёзий шеъри
 М. Муртазоев мусикаси

М.М. $\text{♩} = 72$





Бир иш - ва би - лан

жо - но - на до - да, де - во - на қи - либ
 кет - ди. Ақ - лим - ни со - чиб ҳар ё - на
 до - да, Мас - то - на қи - либ
 кет - ди. Ав - вал - да о - либ кўнг - лим,
 Чин ах - ду ва - фо бир - лан.
 Ав - вал - да о - либ кўнг - лим - а до - да,
 Чин ах - ду ва - фо бир - лан. О - хир - да жа - фо -
 - лар - га - я до - да,
 Ғам - хо - на қи - либ кет - ди. до
 - да, Ғам - хо на қи - либ кет - ди.

Бир ишва билан жонона девона қилиб кетди,
 Ақлимни сочиб ҳар ёна мастона қилиб кетди.
 Аввалда олиб кўнглим, чин ахду ваво бирлан,
 Охирда жафоларга ғамхона қилиб кетди.

Бизни ташлаб

Мискин ғазали
М. Муртазов мусикаси



Йиґ-ла - сам айб ай - ла - манг кав - ми қа - рин -
 до - шим ме - нинг. бул ға-риб бо - шим ме - нинг.

Бизни ташлаб қайга кетди, ул қаро қошим менинг,
 Термулиб йўлида кўздин оқадур ёшим менинг.
 Чорасиз қолдим нетай ҳижрон ўтига ўртаниб,
 Тўлди ҳасрат бирла куйган ўртанур жоним менинг.
 Ёр кетар вақтида менга қайрилиб бир боқмади,
 Йиғласам айб айламанг қавми қариндошим менинг.

Таманно

Ҳайдар Яхёев шеъри
 М.Муртазоев мусикаси
 Ж.Набиев талқини

М.М. ♩ = 108

Бо - қиб гул - шан -
 га ёр эт - санг та - ман - но,
 Ча - ман ай - тур жа - мо - линг - га та - сан - - - но.
 А - гар о - йи - на бир кўр - са чи - ро - йин,
 Я - на кўр - мок бў - либ ай - лар та - вал - ло.



Де - гай - лар нав - ба - хор хус - ни чи - рой - ли,



Чи - ро - йинг минг бо - ра кўр - ки - дин аъ - - ло.



Кў - риш - га ҳар на - фас муш - то - ки зор - - ман,



Ў - зим ёл - гиз ў - зинг - га зо - ру шай - - до.



Кў - риш - га ҳар на - фас муш - то - ку зор - ман,




Ў - зим ёл - гиз ў - зинг - га зо - ру



шай - - до.

Жон - - - -



Боқиб гулшанга ёр этсанг таманно,
Чаман айтур жамолингга тасанно.
Агар ойина бир кўрса чиройинг,
Яна кўрмоқ бўлиб айлар тавалло.

Дегайлар навбахор хусни чиройли,
Чиройинг минг бора кўркидан аъло.
Кўришга ҳар нафас муштоқи зорман,
Ўзим ёлғиз ўзингга зору шайдо.


Эмасман Юсуфи Баҳром валекин,
Асирингман ўзинг бўлсанг Зулайхо.
Чиройинг нозанин қалбим зиёси,
Санам танҳолигин куйлайди Яҳё.

Баҳор айёмида

Фуркат ғазали

Ғ.Ҳожиқулов мусикаси

Andante





о - ху фар - ёд ай - ла - ган бўл - са. Ки - ши тў - би -
ю кав - сар, жан - на - ту риз - вон - ни не қил - син,
жа - хон ай - во - ни - да ҳо - сил бу янғ - лиғ ан - жу - ман бўл - са.
Су - ру - ри шод - лик - ни даҳр бо - ғи - да не - чук кўр - гай,
ка - ми - на Фур - қа - тий - нинг
мас - ка - ни бай - тул ҳа - зан бўл - са.

Баҳор айёмида гул гашт этарга бир чаман бўлса,
Қилурға шарҳи ҳол, аҳли муҳаббат икки тан бўлса.

Ҳазон айёмида ул тавба қилган бўлса ҳам майдин,
Етиб майхораликнинг мавсуми, паймон шикан бўлса,

Ҳаво ҳам мўътадил, ҳавзи мусаффо, суфайи дилкаш,
Оқар сув ғалт уриб, себарг узра мавж зан бўлса.

Сабуи лаъл бирлан шишаи байзоу олтун жом,
Ўшал мажлисда соқий бир нигори сиймтан бўлса.

Гул узра андалибу, сарвнинг бошида кумрилар,
Юзу қад ҳасратидин оху фарёд айлаган бўлса.

Киши тўбию кавсар, жаннату ризвонни не қилсун,
Жаҳон айвонида ҳосил бу янглиғ анжуман бўлса.

Сурур шодликни даҳр боғида нечук кўргай,
Камина Фурқатийнинг маскани байтулҳазан бўлса.

Онам

Най соло

simile

Қонун соло

Жа - мо - линг сўр - га - ли кел - дим
 Ме - нинг у - чун а - до бўл - гон

о ё эй ме - хри - бон о - на - м.
 ю - ра - ги баг - ри қон о - на - м.

Хў - тан даш - ти - га туш - ти бўл фа - лак мен - гар -

-ди - ши бир - лан. Э - шит - гил ар -

-зи хо - лим - ни мен ай - тай сен - га жон о - нам.



А - жо - йиб ме - хри - бо - ним - сан, ме - нинг о - ро -



-ми - жо - ним - сан. Му - ро - дим ул



жа - ҳо - ним - сан, бе - иш - ти - жо - - - н о - на.



Ме - ни бир жо - ди кўз - лик бу



жа - ҳон ич - ра ҳа - ро - б эт - ди



Қа - ди сар - ву са - но - бар қош - ла - ри биз - ни



ка - мо о - нам.



Се - ни кўп йил - ми зор эт - дим





фи - роқ ў - ти - га е Каъ - бам.



Тановор

Халқ мусикаси
Б.Давидова ижросидан
нотага олинган



Музыкальная запись на нотном стане (треугольный ключ, две октавы). Под нотами расположены слитные дефисы, соответствующие русскому слову «во-йа».

во - йа - -

Музыкальная запись на нотном стане. Под нотами расположены слитные дефисы, соответствующие русскому слову «Жонлар во-йа бан».

Жо - - н - лар во - йа ба - н -

Музыкальная запись на нотном стане. Под нотами расположены слитные дефисы, соответствующие русскому слову «да дурро дў».

- да - дур - ро - - - дў -

Музыкальная запись на нотном стане. Под нотами расположены слитные дефисы, соответствующие русскому слову «стёра».

- ст ё - - - - ра

Музыкальная запись на нотном стане. Под нотами расположены слитные дефисы, соответствующие русскому слову «ў-зинг ошно динг бегона».

ў-зинг о - шно ди - линг бе - го - на -

Музыкальная запись на нотном стане. Под нотами расположены слитные дефисы, соответствующие русскому слову «ларга (ё) дўстё».

- ла - р - га (ё) дў - ст ё -

Музыкальная запись на нотном стане. Под нотами расположены слитные дефисы, соответствующие русскому слову «ра».

- ра - - -

Музыкальная запись на нотном стане без подпунктов.

Музыкальная запись на нотном стане без подпунктов.

Муножот

И.Икромов мусикаси

Б.Давидова ижроси

Ха - - - - - ха - й

ха - й ха - й во - йа - - - - -

Ке - ча кел - гум -
лаҳ - за лаҳ - за - -

дур де - б(он) о - н Ул сар - ви - гул
чик - ди - му - - - - - у Чик - дим йў - ли - - - - -


- рў кел - ма - ди (е) - - - - - Кўз - ла - рим -
- да кел - ма - ди (е) - - - - - Кел - ди жон -

- га ке - ча тонг от - гун - ча уй -
оғ зим - га - ю - - - - - ул - шў - хи - бад -

- ку кел - ма - ди (е) - - - - - ха -
ху кел - ма - ди (е) - - - - -

- ха - - - - - ха - - - - - ха - -

кур - бо - нинг - ман (е) - - - - - е



Сайёра

Фуркат сўзи

Ҳ.Ҳ.Ниёзий мусикаси

М.М. ♩=56-60

Сай - динг қў - я - бе - р Сай - ёд,

Сай - ё - ра э - ка - н ман - де -

- к Ол до - ми - ни бў - й - ни - дин,

бе - чо - ра э - ка - н ма - н - де - к

Ўз ё - ри - ни то - п - ма - с - ди -

- - - н о - во - ра - э - кан ма - н - дек

Иқ - бо - ли ни чу - н бах - ти - - -

- и хам қо - ра э - ка - н ман - дек.

Ҳиж - рон ў - ки - ди - н жис - ми - - -

- и кўп ё - ра э - ка - н ма - н - де - к

Куй - ган жи - га - ри ба - ғ - ри - - - - - и

юз по - ра э - ка - н ме - н - де - -

1. | 2.

-к.

Сайдинг кўябер сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,

Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек,
Иқболи ничун, бахти ҳам қора экан мендек,

Ҳижрон ўкидин жисмим кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари-бағри юз пора экан мендек.

Бечорага зулм айлаб, қўл-бўйнини боғлабсан,
Ҳавф сари чекиб судраб, ўлдургани чоғлабсан,


Кўксини жафо бирлан, лола каби доғлабсан,
Сот менга агар, қасдинг олғувчи сўроқлабсан,

Ҳижрон ўкидин жисмим кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари-бағри юз пора экан мендек.

Ҳаё

М.Қorieв сўзи
Ф.Содиков музикаси

М.М. ♩=68-72



таш - лаб ў - та - р - си - з ме - н то - мо - н, Шу ни - гоҳ - дан

ло - ла юз - ни ло - ла - зор ай - ла - р ҳа - ё.

Неч - та сев - ган - лар - ни кўр - дим, тинг - ла - дим иш - қ ку -

- - - йи - ни, Иш - қим - ни ош - кор э - тар - га -

- а шар - ми - сор ай - ла - р ҳа - ё.

Ишқингни ошкор этарга дилдор ор айлар ҳаё,
Кўзга кўз тушганда лекин ош(и)кор айлар ҳаё.

Гарчи севдим бунча ҳам душвор экан иқрори ишқ,
Тилни лол этсам, дилимни озор-зор айлар ҳаё.

Қалбадаги эзгу ниятни айтгали ошуфта хол,
Тутсам ишқ сирин ниҳон зор-зор айлар ҳаё.

Ҳар кўришда бир нигоҳ ташлаб ўтарсиз мен томон,
Шу нигоҳдан лола юзни лолазор айлар ҳаё.

Нечта севганларни кўрдим, тингладим ишқ куйини,
Ишқимни ошкор этарга шармисор айлар ҳаё.

Ушшоқ Қашқарчаси

Нозима ғазали

М.М. ♩=76-80



Кўр - гу - зиб но - зик жа - мо - лин мас - ту хай - рон
О - чи - либ гул - гун - ча - дек - ўт сол - ди жо - ну



ай - ла - ди, Ў - зи гул сай - ри - га кет - ди
жис - ми - ма, Бир та - рах - хум - қил - ма - йи - н



биз - ни боғ - бо - н ай - ла - ди. Кўр - гач ул Хур - шид ю - зин
о - лам - га дос - то - н ай - ла - ди.



ўт - лар ту - таш - ди - жо - ни - ма. Сўл - ди - риб



ум - рим гу - ли - н бах - тим - ни вай - ро - н ай - ла - ди.



Юз жа - мо - ли шо - ми - да пар - во - на бўл - дим



ўр - та - ниб, Бил - ма - ди -



-хо-лим ха-ну - з аг-ё - ра пай-мон ай - ла-ди. Мис-ли бул - бул



гул ю-зи - н шав-ки - да ай-лар ман на-во. Лек э-шит-май



бир йў - ли - н кў-зим - ни гир - ён ай - ла - ди.




Ҳар ке-ча у ой фи-ро - ки - да че-кар - ман



оҳ - лар, Бир та - бас -



сум қил-ма-йин хо-лим па-ри - шон ай - ла-ди.



(О) - Май - ли ши - рин тил би - лан



дерман ка - мо - ли вас - фи - ни, Но - зи - ма гар-чи се-ни



хус - нинг - га боғ - бон ай - ла - ди. Но - зи - ма,

гар - чи се - ни хус - ни - га боғ - бон ай - ла - ди (ой -
 - во - я - - - - - жо - на - мо.)

Кўргузиб нозик жамолинг масту ҳайрон айлади,
 Ўзи гул сайрига кетди бизни боғбон айлади,

Очилиб гул ғунчадек ўт солди жону жисмима,
 Бир тараххум қилмайин оламга дoston айлади.

Кўргач ул Хуршид юзин ўтлар туташди жонима,
 Сўлдириб умрим гулин бахтимни вайрон айлади.

Юз жамоли шомида парвона бўлдим ўртаниб,
 Билмади ҳолим ҳануз ағёра паймон айлади.

Мисли булбул гул юзин шавқида айларман наво,
 Лек эшитмай бир йўли кўзимни гирён айлади.

Ҳар кеча у ой фироқида чекарман охлар,
 Бир табассум қилмайин ҳолим паришон айлади.

Майли ширин тил билан дерман камоли васлини,
 Нозима гарчи сени ҳуснингга боғбон айлади.

Ёшлик чоғимда

Ҳ.Олимжон сўзи
Сайфи Жалил мусикаси



Эй гу-л-ла-ган ёш-ликчо- гим - да - а, Сен о-чил-динг кўн-гил бо- гим - да.



Шун - да кўр - ди кў - зим ба - ҳор - ни - и, Шун - да қал - бим та - ни - ди ёр -



ни, шун - да қал - бим та - ни - ди ёр - ни.



Қуш - лар сай - рар жо - ним - га пай - васт,



Мен сев - ги - нинг бў - йи би - лан маст. Ку - ни би - лан да - ла - да қол - дим - м,



Ло - ла - зор - лар ич - ра йў - қол - дим - м. Шун - да кўр - ди кў - зим ба - ҳор -




ни - и, Шун - да қал - бим та - ни - ди ёр - ни,



шун - да қал - бим та - ни - ди ёр - ни.



Ку - чоқ ку - чоқ гул - лар тер - га - ним, Ва кел - ти - риб сен - га бер - га - ни



Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
 Сен очилдинг кўнгили боғимда.
 Шунда кўрди кўзим баҳорни,
 Шунда қалбим таниди ёрни.

Қушлар сайрар жонимга пайваст,
 Мен севгининг бўйи билан маст.
 Қуни билан далада қолдим,
 Лолазорлар ичра йўқолдим.

Нақарот: Шунда кўрди кўзим баҳорни,
 Шунда қалбим таниди ёрни.

Кучоқ-кучоқ гуллар терганим,
 Ва келтириб сенга берганим,
 Кечагидек ҳамон эсимда,
 Ҳар сония ҳар он эсимда.

Шундан бери тилимда номинг,
 Шундан бери дилимда номинг.

Дўппи тикдим

Т.Тўла шеъри
 С.Калонов муסיқаси

М.М. ♩=80



Дўппи тикдим чиройли,
Ака бошинга лойиқ,
Кийиб чиққин биз ёққа,
Кўриб қўйсин халойиқ.

Дўппи тикдим тўрт гулли,
Ипаги турли-турли,
Ишқимни қўшиб тикдим,
Бўлмасин деб тўрт кунли.

Қатим тортдим жилолаб,
Меҳримни қўшиб боғлаб,
Муҳаббатим сеҳрлаб,
Олай бошингни боғлаб.

Дўппи дилим жилоси,
Ишқим оҳанграбоси,
Ишқини топсанг дилдорим,
Шудир унинг давоси.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ю.Ражабий. Ўзбек халқ мусиқаси. I-V томлар. –Т., 1957-1959.
2. М.Юсупов. Ўзбек халқ мусиқаси (Хоразм ашулалари). –Т., 1962.
3. Е.Романовская. Ўзбек халқ кўшиқлари. I, II-томлар. –М., 1939.
4. И.Ражабов. Мақомлар. –Т., 2006.
5. О.Матёкубов. Мақомот. –Т., «Мусиқа», 2004.
6. М.Эрматов. Анъанавий хонандалик. –Т., 2003.
7. Ҳ.Исроилова. Анъанавий ҳофизлик санъати. –Т., 2007.
8. Ў.Расулов. Анъанавий хонандаликдан ўқитиш методикаси. –Т., 2007.
9. С.Бегматов. Ҳофизлик санъати. –Т., «Мусиқа», 2007.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Муסיкий асарлардан тузилган дастур	5
Ўзбек хонандалик санъати намояндалари	
Зайнаб Полвонова	7
Мавлуда Аъзамова	8
Мукаррамма Азизова	8
Ҳабиба Охунова	9
Фотима Борухова	10
Коммуна Исмоилова	11
Берта Давидова	12
Ҳадия Юсупова	12
Раҳимахоним Мазоҳидова	13
Асарлар:	
Оромижон	15
Раққосасидан	16
Бўз йигит	18
Уёламан	20
Барно йигит	21
Гул фаслидур	22
Сочим учи кўнғирок	23
Бизнинг айвон	24
Шароб	26
Айлагач	28
Не наво	30
Гулистоним менинг	32
Бир ишва билан	33
Бизни ташлаб	35
Таманно	36
Баҳор айёмида	39
Онам	41
Тановор	44
Муножот	46
Сайёра	49
Ҳаё	51
Ушшоқ Қашқарчаси	53
Ёшлик чоғимда	56
Дўппи тикдим	58
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати	59